

Суннатлардаги ўнта илмий ҳақиқат (олтинчи мақола)



14:01 / 15.03.2024 2536

Кундан кунга Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарадаги илмий мўъжизалар, ҳақиқатлар илмий томондан ҳам аниқланмоқда. Ушбу мақолада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида баён қилинган ва яқин йиллар ичида аниқланган илмий ҳақиқатлар зикр этилади.

Кексалик

Олимлар кексалик инсоннинг табиий яқунига етишининг энг яхши йўли эканлигини таъкидлайдилар. Акс ҳолда ҳаётни маълум чегаралардан узоқроққа чўзишга бўлган ҳар қандай уриниш жуда кўп оқибатларга олиб келади, улардан энг кичики саратондир. Олимлар: «Ўлмасдан, абадий

яшашга эришиш учун қилинган ҳар қандай уриниш табиатга зиддир» дейдилар.

Олимлар қаришни даволаш ва умрни узайтириш учун миллиардлаб маблағ сарфланганига қарамай, тажрибалар ҳеч қандай фойда бермаган, деган хулосага келишди. Улуф Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу борада ҳадис ворид бўлган.

اي مَعْنَى وَادْتَنَ الْإِلَهَ لِلْوَسْرَ اِي بُأَرْعَالَا تَلَاقَ لَاقٍ كَيَرْشَنْبَ ةَمَاسُؤْ نَع
أَجْأَوْءَادُ الْإِلَهَ أَوْدَلَاقُ وَأُءَافَشُ هَلْ غَضَوُ الْإِلَهَ عَضِي مَلَّهَلَّالْ نِإْفِ أَوْوَادَتِ هَلَّالْ دَابِع
يذمرتلل هجرخ أمزهل للاق وه أموهللل لوسر اي اولاق

Усома ибн Шарийқдан ривоят қилинади:

«Аъробийлар келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, даволанайликми?» - дейишди. Шунда у Зот: «Ҳа, эй Аллоҳнинг бандалари, даволанинглар. Чунки Аллоҳ азза ва жалла

хасталикни берган бўлса, шифосини ҳам (ёки давосини дедилар) ато қилган.

Битта дард бундан мустасно» - дедилар. Улар: «У қайси, эй Аллоҳнинг Расули?» - дейишди. У Зот: «Қарилик» - дедилар».

Имом Термизий ривояти.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисдаги гапларни айтганларида, абадий яшашга уриниш бефойда эканини ифода этувчи юқоридаги маъноларни назарда тутганлар.

(Давоми бор)

Абдуддоим Каҳел мақоласи ва бошқа манбалар асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.